Тошкент оқшоми

2016 йил 24 июнь, жума

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 128 (13.191)

Баҳоси эркин нархда

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 июнь куни Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашувлар ўтказди.

Ислом Каримов Владимир Путин билан мулоқот чоғида ушбу учрашув Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорликнинг мантиқий давоми, мамлакатларимиз стратегик шерикликни ривожлантириш йўлидан бораётганининг яққол намоёни эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. 2015 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,4 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ёқилғи-энергетика соҳасида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Россиянинг "Лукойл" ва "Газпром" нефть-газ компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда.

Учрашувда 2016 йил апрель ойида Москвада ўтган олий даражадаги музокаралар якунлари ўзаро ҳамкорлик ривожига янги суръат бағишлагани қайд этилди.

Президентлар Ўзбекистон – Россия муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Владимир Путин Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида амалга оширилган ишларга юксак баҳо берди. ШҲТ саммити асносида бўладиган музокаралар барча соҳаларда минтақавий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ислом Каримов Туркманистон Президенти билан суҳбатда унинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида фахрий меҳмон сифатида иштирок этиши мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорликнинг яна бир ифодаси эканини қайд этди. Бу давлатларимиз минтақада ва халқаро миқёсда бир-бирининг нуфузини ошириш ҳамда позициясини мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлаб келаётганини намоён этишини таъкидлади.

Ўзбекистон – Туркманистон муносабатлари юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги мулоқотлар мунтазамлик касб этган.

2015 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 320 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Мамлакатимиздан Туркманистонга автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникаси, минерал ўғитлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар экспорт қилинмоқда. Туркманистондан юртимизга нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Транспорт ва транзит соҳаси иқтисодий алоқаларнинг стратегик йўналишларидан. Ўтган йили Ўзбекистон ташқи савдо юкларини Туркманистон орқали ташиш ҳажми 43 фоиз ўсгани бунинг яққол далилидир.

Учрашувда ўзаро савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ШҲТ саммитига таклифи учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этди. Туркманистон Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон билан учрашувда ўзбек ва тожик халқларини азалий дўстлик ва қўшничилик ришталари, маданият ва анъаналар уйғунлиги боғлаб туриши таъкидланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб, ўзаро савдо айланмаси муттасил ўсиб бормоқда. 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 17,6 фоиз ошди.

Учрашувда мамлакатларимизда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаатли экани таъкидланди. Савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Имомали Раҳмон Тожикистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, ушбу учрашув ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш учун яхши имконият бўлганини таъкидлади. Мазмунли учрашув учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан суҳбатда ушбу учрашув олий даражадаги сиёсий мулоқотларнинг мантиқий давоми, эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилиш ва ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаб олиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Ҳиндистон билан алоқаларга алоҳида аҳамият қаратади. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Кейинги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш 2 баробар ўсган. 2015 йилда бу кўрсаткич қарийб 320 миллион долларни ташкил этган. Мамлакатимизда Ҳиндистон капитали иштирокида тузилган 100 дан зиёд корхона, ушбу мамлакатнинг 15 фирма ва компанияси ваколатхоналари фаолият юритмоқда.


Инвестициявий ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида "Минда Групп" компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар учун спидометр, тахометр ва турли электрон қурилмалар ишлаб чиқарилмоқда. "Новафарм", "Ультра Ҳелс Кеар", "Велл Мед Фарм" каби корхоналарда кенг турдаги фармацевтика маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Давлатларимиз минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Ҳиндистоннинг ШҲТга аъзо давлат бўлишга интилишини қўллаб-қувватлашини, бу ташкилотнинг нуфузини янада ошириши ҳамда минтақа халқлари тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилишини қайд этди.

Нарендра Моди самимий учрашув учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

(ЎзА)



ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАРАННУМИ

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 23 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент саммити иштирокчилари учун концерт намойиш қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти учун бундай тадбирларнинг ўтказилиши анъанага айланган.

Соат 18.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов кириб келадилар.

Йиғилганлар олий мартабали меҳмонларни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей саммити концерт билан бошланганида чуқур рамзий маъно мужассам. Зеро, маданият ва санъат халқларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини англаши учун ўзига хос воситадир, бинобарин, мусиқа чегара ва масофа билмайди. Шу боис "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида дўстлик ва ҳамкорлик муҳити ҳукм сурди.

Олий мартабали меҳмонлар эътиборига ўзбек халқининг миллий ашула ва рақслари, шунингдек, жаҳон опера санъатининг энг сара асарларидан намуналар ҳавола этилди.

Ўзбекистон санъат усталарининг чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ижросидаги "Ул ким жонон" ашуласи тингловчиларда унутилмас таассурот қолдирди. "Ўзбекистон" ва "Наврўз" рақс ансамбллари ижросидаги "Рақслар гулдастаси" хореографик композицияси ўзбек рақс мактабининг бутун кўрку жозибасини намоён этди.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ғолиби Нодира Пирматова "Эй дилбари жононим" ашуласини ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилган катта ашула услубида ижро этди.

Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри П.Чайковскийнинг "Евгений Онегин" операсидан лавҳа ижро этди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хонандалари Ш.Гунонинг "Ромео ва Жульетта" операсидан Жульетта вальсини куйлади.

Ўзбекистон халқ артисти Нормўмин Султонов ва "Ниҳол" мукофоти лауреати Маъсума Болтабоева "Менинг жонажон Хитойим", Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова "Қадрдонларим" ашулаларини хитой тилида ижро этди. Қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ халқларининг ашула ва рақслари ҳам ижро этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязов "Менга бергил куйларни", халқаро танловлар лауреати Милена Матмусаева "Севги садоси" деб номланган машҳур рус ашулаларини куйлади. Концерт дастури ШҲТга аъзо давлатларнинг бой маданияти билан янада яқиндан танишиш имкониятини берди.

Ижро этилган ҳар бир куй-қўшиқда инсонга меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга эҳтиром юксак пардаларда тараннум этилди. Концерт ниҳоясида "Жон Ўзбекистон" композицияси янгради.

М.МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

ШҲТ БАНКЛАРАРО БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Тошкентда 22-23 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Банклараро бирлашмаси кенгашининг Ўзбекистон раислигида навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ШҲТ Бош котиби Р.Алимов, Қозоғистон тараққиёт банки, Қирғизистон Республикасининг "РСК Банки", Хитой Давлат тараққиёт банки, Россиянинг Тараққиёт ва ташқи иқтисодий фаолият банки (Внешэкономбанк) давлат корпорацияси, Тожикистон Республикасининг "Амонатбонк" давлат жамғарма банки, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, шунингдек, шерик банклар сифатида "Беларусбанк" жамғарма банки, Покистоннинг "Ҳабиб Банк Лимитед" банки ва Мўғулистон тараққиёт банки раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда ШҲТ Банклараро бирлашмаси кенгашига раислик қилувчи банк раҳбарининг ушбу босқичда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раислигида амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисидаги ҳамда кенгашнинг бошқа аъзолари ва ШҲТ Банклараро бирлашмасининг шерик банклари вакилларининг жорий ҳамда истиқболдаги фаолият масалалари бўйича маърузалари тингланди. Томонлар инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш борасида, ШҲТ маконида ва Осиё минтақасида фаолият кўрсатаётган халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни фаоллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Шу билан бирга, ШҲТ Банклараро бирлашмасини ўрта муддатли истиқболда янада ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама этилди.

ШҲТ Банклараро бирлашмаси кенгаши йиғилишида томонлар сўнгги йилларда ШҲТда кузатувчи давлатлар ва мулоқот бўйича шериклар молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан қониқиш ҳосил қилди. Йиғилишда Мўғулистон тараққиёт банкига ШҲТ Банклараро бирлашмасининг шерик-банки мақомини бериш тўғрисидаги қарор имзоланди.

(ЎзА)

ШҲТ ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИ БОШҚАРУВИ МАЖЛИСИ

Тошкентда 23 июнь куни Ўзбекистон раислигида ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши бошқарувининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ШҲТ Бош котиби Р.Алимов, ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши Ижрочи котиби С.Канавский, ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши миллий қисмлари раислари – Ўзбекистон Республикасидан А.Шайхов, Қозоғистон Республикасидан Р.Баталов, Қирғизистон Республикасидан М.Шаршекеев, Хитой Халқ Республикасидан Х.Мэйцин, Россия Федерациясидан С.Катирин ва Тожикистон Республикасидан С.Шариф иштирок этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ишбилармонлар кенгаши 2006 йилнинг 14 июнида таъсис этилган бўлиб, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ишбилармон ва молиявий доиралар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш, кўп томонлама лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида ШҲТга аъзо давлатларнинг бизнес ҳамжамиятлари вакилларини бирлаштирган нодавлат тузилмадир.

ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви мажлисида Ўзбекистон ўз раислиги даврида ШҲТга аъзо давлатлар манфаатларига мос келадиган ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаш принципларига қатъий риоя қилгани, халқаро майдонда ташкилот нуфузини муттасил ошириш бўйича тизимли ишларни давом эттиргани таъкидланди.

Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, ШҲТ мамлакатлари бозорларига харидоргир саноат маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кенгайтириш, савдо муносабатларини рағбатлантириш бўйича қулай шароитлар яратиш ва бу борада бошқа тадбирларни амалга ошириш тарафдоридир. Шунингдек, ШҲТ давлатлари ўртасида инвестициявий ҳамкорлик тубдан ривожлантирилишига, муҳим тармоқларда ўзаро манфаатли лойиҳа ва дастурлар амалга оширилишига ишонади.

Иштирокчилар сўнгги йилларда Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бошқаришнинг илғор тизимлари кенг жорий этилаётгани, шунингдек, маҳаллий корхоналар рақобатбардошлигини ошириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда жаҳон бўйлаб етказиб бериш жараёнига маҳаллий компанияларни жалб этишга қаратилган чоралар кўрилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мажлисда ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши фаолиятини ривожлантириш истиқболлари, хусусан, минтақа давлатларининг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали яқин истиқболда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг уставор йўналишлари муҳокама этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, транспорт ва логистика, инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялари, кўргазма-ярмаркалар фаолияти, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа турли соҳалардаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг янада ривожланишига кўмаклашиш учун қўшма тадбирлар ташкил этиш, бизнес вакилларининг ШҲТ давлатларида ўтказиладиган йирик халқаро форумлар, кўргазма ва ярмаркаларда мунтазам иштирок этишини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ НОЁБ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС ЕВРОПАНИНГ “ARTE” ТЕЛЕКАНАЛИ НИГОҲИДА

Маълумки, Ўзбекистоннинг ноёб тарихий-маданий мероси ва бой сайёҳлик салоҳияти жаҳон бўйлаб тобора машҳур бўлиб бормоқда. Шу боис дунёнинг турли бурчакларидан, жумладан, Германиядан ҳам мамлакатимизга келаётган сайёҳларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда.

Саёҳатчиларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқишлари янада кучайиб бораётганига бетакрор ўлкамизга келиб кетган меҳмонларнинг таассуротлари билан бирга жаҳон оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятларида юртимизга алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам сабаб бўлмоқда.

Яқинда икки қисмдан иборат “Ипак йўли бўйлаб саёҳат” номли фильм ўз кўрсатувларини немис ва француз тилларида эфирга узатадиган оммабоп ARTE маданият телеканали орқали намойиш этилди. Қарийб эллик дақиқалик ушбу ҳужжатли фильм Kelvinfilm кинокомпанияси гуруҳининг мамлакатимиз бўйлаб ўтган йилги ижодий сафарининг маҳсули сифатида дунё юзини кўрди.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Нукус ва Тошкент шаҳарларида суратга олиш ишларини амалга оширган фильм муаллифлари немис телетомошабинларини Ўзбекистон халқларининг тарихи, маданияти, анъаналари ҳамда мамлакатимиз бағрида жойлашган гўзал ва маҳобатли тарихий шаҳарлар билан яқиндан таништирган.

Фильмда Регистон майдонида жойлашган машҳур ёдгорликлар – Улуғбек, Шердор ва Тилла Кори мадрасалари атрофлича намойиш этилган. “Шарқ гавҳари” деб аталадиган ушбу шаҳарнинг диққатга сазовор масканлари ҳақида сўзлар экан, муаллиф мовий-тилла ранг Самарқанд меъморчилигига хос эканлигини алоҳида таъкидлагани ҳолда у беихтиёр “Минг бир кеча” эртагини эсга солишини қайд этади. Муаллиф, шунингдек, Самарқанд ривожланган меҳмонхона хўжалиги ва транспорт инфратузилмасига эга эканлигини ҳам томошабинларнинг эътиборига ҳавола қилган.

Фильмда ўзбек халқининг пазандачиликдаги ўзига хосликлари ва меҳмондўстлиги ҳақида атрофлича фикр юритилган. Унда чақалоқни бешикка белаш маросими – бешик тўй тафсилотлари атрофлича очиб берилган. Бунда журналист ўзбек оилаларида фарзандларнинг дунёга келиши ҳамиша катта воқеа ҳисобланишини алоҳида қайд этади.

Фильмнинг кейинги қисми бошқа бир афсонавий шаҳар – Бухорога бағишланган. “Ипак йўлида жойлашган энг кўҳна шаҳарлардан бири бўлган Бухоро асрлар давомида илм-фан, маърифат ва халқаро савдо-сотиқ маркази сифатида хизмат қилиб келган. Чунки у трансконтинентал йўлнинг чорраҳасида жойлашган. Таъбир жоиз бўлса, бу дунёдаги энг чиройли жойдир”, дея таъкидлайди муаллиф.

Фильм томошабинларни Бухоронинг тарихий-меъморий обидалари, халқ ҳунармандчилиги ривожи, аҳолининг анъана ва ўзига хосликлари билан яқиндан таништиради. Бунда Бухоро миниатюра мактаби ҳамда ўзининг услуби, дизайни ва бўёқларининг ёрқинлиги билан ажралиб турадиган гиламдўзлар фаолияти тафсилотларига алоҳида ўрин берилган.

Фильмнинг Хива ҳақида ҳикоя қиладиган қисми ҳам жуда қизиқарли. Муаллиф уни “очиқ осмон остидаги музей шаҳар”, дея таърифлар экан, Ичон қалъа, Калта минор, Кўҳна Арк, Жума масжид сингари тарихий қадамжолар, Хива ҳунармандчилиги, ипак ишлаб чиқариш, гиламдўзлик, миллий бош кийимларнинг тайёрланишига оид барча асосий маълумотларни томошабинлар билан ўртоқлашган.

Шунингдек, фильмда Орол денгизининг қуриб бораётгани мавзуси ҳам немис тележурналистларининг эътиборидан четда қолмаган. Муаллиф уни глобал экологик фожиалардан бири, дея эътироф этар экан, бу баҳри азим қуриши оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи минтақасини экологик ва ижтимоий-иқтисодий соғломлаштириш юзасидан Ўзбекистонда кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритган.

Юқоридагилардан ташқари, немис телетомошабинлари Қорақалпоғистондаги тарихий ёдгорликлар – Тупроққалъа, Аёзқалъа ва бошқа маданий мерос объектлари билан ҳам танишишга муваффақ бўлишган.

Мухтасар қилиб ёзганда, ушбу фильм ГФР жамоатчилигида ўзбек халқининг тарихи, маданияти, анъаналари ва ҳаёти ҳамда республикамизнинг замонавий ривожланиши ҳақида тўла ва ёрқин тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашади.

“Жаҳон” АА,
Берлин

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

“Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида парламент қуйи палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Мамлакатимизда экологик муҳит барқарорлигини таъминлаш, ноёб ҳайвонлар турларини асраш ва кўпайтириш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сайёрамизда кечаётган глобал экологик жараёнлар, табиатга техноген ва антропоген таъсирлар кучаяётгани бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда. Янги таҳрирдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида бу борадаги устувор йўналишлар белгиланган.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш, улар учун шароитларни яхшилашга ихтисослашган юридик ва жисмоний шахсларга солиқ ва бошқа имтиёзлар беришга оид норманинг акс эттирилиши табиатни асрашда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Тадбирда қонун лойиҳасида ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш меъёрларини такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

* * *

Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши ҳам мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди. Унда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар, экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Ҳ.Кетмонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Р.Комилов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барқарор ривожланишга йўналтирилган изчил экологик сиёсат юргизилаётгани жамият тараққиётини юксалтиришнинг муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Янги қонун лойиҳасини қабул қилишдан кўзланган мақсад юртимизда экологик қонунчиликни такомиллаштириш, биологик хилма-хилликни муҳофазалаш, ёввойи ҳайвон турларини асраш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлашдир.

Тадбирда қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар билдирилди. Хусусан, ёввойи ҳайвонларни ов қилиш усуллари, тақиқланган ов қуроллари ҳақида меъёрлар киритиш, ҳайвонот дунёси объектларининг мамлакатимизга олиб кирилиши ва олиб чиқиб кетилиши тартибини янада такомиллаштириш, экология инспекторларининг фаолият самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Б.ХИДИРОВА,
А.ҚИЁСОВА



ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Давлат божхона қўмитасида божхона органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, интерактив хизматларни кенгайтиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар иштирок этди.

Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари М.Солиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, божхона тартиб-таомиллари соддалаштирилгани самарасида экспорт ҳажми тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Божхона органларида ягона автоматлаштирилган ахборот тизими яратилган бўлиб, у 32 та ахборот тизимини ўзида бирлаштирган. Бу тизим ҳужжатларни тез ва осон расмийлаштириш, божхона тўловларининг тўғри ундирилишини мониторинг қилиш, товар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат божхона қўмитаси томонидан интернет орқали 17 интерактив хизмат кўрсатилмоқда. Хусусан, қўмитанинг www.customs.uz веб-сайтидаги “Тадбиркорнинг шахсий саҳифаси” орқали ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари кўплаб маълумотлардан фойдаланиш ва божхона расмийлаштируви жараёнларини онлайн кузатиш имконига эга. Шунингдек, декларациялар, товар ва транспорт воситаларига оид ҳужжатларни масофадан туриб тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби йўлга қўйилган.

Тадбиркорлик субъектларига Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига кириш имконияти яратилган. Жорий йилда мазкур тизим такомиллаштирилиб, янгидан ишга туширилди.

Семинарда Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк томонидан такомиллаштирилган Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимининг янги версияси, қулайликлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ушбу тизим электрон шартномаларни юборишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олади ва ташқи савдо юкларини расмийлаштириш вақтини қисқартиради. Ушбу соҳадаги фаолият учун “ТИФ-Шартнома” дастури ишлаб чиқилиб, тадбиркорлар ушбу дастурни Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Давлат божхона қўмитаси веб-сайти орқали бепул кўчириб олиб, фойдаланишлари мумкин.

Тадбирда тизимни янада такомиллаштириш, экспортчи корхоналарга қулайликларни ошириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Миллий матбуот марказида “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР

“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ф.Каримов ва бошқалар мамлакатимизда сифатли суғурта хизматлари кўрсатилаётгани натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта ташкилотларига ишончи ортаётгани, компаниянинг фаолиятини холис ва ҳаққоний ёритиш, унга таҳлилий назар ташлаш, соҳадаги энг сўнгги янгиликларни кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнаётганини таъкидлади.

Кейинги йилларда ОАВни янада демократлаштириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти ОАВ вакилларини рағбатлантириш, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида “Суғурта журналистлар нигоҳида” номли танлов эълон қилган эди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари фаол иштирок этди.

Анжуманда “Суғурта журналистлар нигоҳида” республика кўрик-танлови ғолиблари ва фаол иштирокчилари қимматбаҳо совға ва дипломлар, суғурта полиси билан тақдирланди.

(ЎзА)

ХХІ аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўрта Чирчиқ туманида “Юрт келажаги” республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, маданият ва спорт ишлари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 300 дан ортиқ ёш иштирок этди.

● Бухоро шаҳар педагогика касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда турли мулкчилик шаклидаги 117 корхона, ташкилот ва муассаса томонидан 950 дан зиёд бўш иш ўринлари таклиф этилди. Иш берувчи субъектларда яратилган шароит ва қулайликлар ҳақида атрофлича маълумот берилди ва касб-ҳунар коллежларининг 120 га яқин битирувчиси ишга йўлланма олди.

● Фарғона вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида жорий йилнинг ўтган даврида 266 лойиҳа амалга оширилиб, 2 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

● Сирдарё вилояти Оқолтин туманида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш учун банк кредитлари ажратиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда кредит олиш тартиб-қоидалари, банк кредитининг имтиёзлари каби саволларга мутахассислар атрофлича жавоб қайтарди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Буюк Британияда ушбу мамлакатнинг Европа Иттифоқи таркибида қолиш – қолмаслиги масаласини ҳал этишга бағишланган референдум бўлиб ўтди.

● Кеча Москвада 38 - Халқаро кинофестиваль бошланди.

● Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларининг медаллари тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ХОҚ президенти Томас Бах иштирок этди. Медаллар Бразилияда ишлаб чиқарилган бўлиб, жами 2488 дона (812 та олтин, 812 та кумуш ва 864 бронза)ни ташкил этади. Ҳар бир медалнинг оғирлиги 500 граммга яқин.

● Бурятиядаги болалар соғломлаштириш оромгоҳини сув босиши хавфи туғилганлиги боис бу ерда ҳордиқ чиқараётган болажонлар зудлик билан эвакуация қилинди.

● Колумбияда ичимлик ишлаб чиқарувчилар уюшмаси газланган ичимликларнинг бир нечта турини бошланғич мактабларга тарқатмасликка даъват этди. Бундан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг саломатлигини асраш-дир. Шунингдек, бошланғич мактабларда газланган ва таркибида кўп миқдорда шакар бўлган ичимликларни реклама қилиш ҳам тақиқланди.

ТЕЛЕТИББИЁТ — СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини инновацион ривожлантиришни анъанавий клиник усуллар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини комплекс уйғунлаштирмасдан тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг тиббиёт амалиётида кенг қўлланилаётгани беморларга малакали хизмат кўрсатиш, аксарият ҳолларда уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини бермоқда.



Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари тобора ривожланаётгани самарасида тиббиёт соҳаси янги тараққиёт босқичига кўтарилмоқда. Президентимизнинг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа ҳужжатлар бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатларга биноан Ўзбекистонда тиббиётнинг беморларга масофадан маслаҳат бериш, даволаш йўлларини белгилаш, видеоконсилиумлар ўтказиш ва он-лайн ҳамда офф-лайн режимида мутахассислар малакасини ошириш имконини берадиган телетиббиёт йўналиши пайдо бўлди.

ЎзА мухбири Республика патологик анатомия маркази директори, академик, Ўзбекистон Қаҳрамони Малика АБДУЛЛАХЎЖАЕВА билан телетиббиётни янада ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда телетиббиётнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлашди.

– Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмас даражада жадал ривожланмоқда, – дейди М.Абдуллахўжаева. – Аҳоли кенг қатламларининг тиббий ёрдамдан фойдаланишини таъминлаш ва унинг сифатини ошириш ушбу жараёнда асосий мақсад сифатида белгиланди. Аввалларимиз энг яхши тиббиёт мутахассислари мамлакатимизнинг етакчи тиббиёт марказларида фаолият юритаётгани боис, чекка ҳудудларда малакали кадрлар етишмаслиги кўзга ташланиб қолган эди. Тиббиёт, ахборот ва коммуникация технологияларини уйғунлаштирган телетиббиёт йўналишининг ташкил топиши ва ривожланиши ушбу муаммони ҳал этишга кўмаклашмоқда.

– Телетиббиёт ўзи нима ва уни Ўзбекистонда ривожлантириш учун қандай шароитлар мавжуд?

– Бугун бутун дунёда телетиббиёт технологиялари кенг жорий қилинмоқда. Бу борада тиббиёт ходимларига масофадан туриб операцияларни кузатиш, бир-бири билан тўғридан-тўғри боғланиш, беморларга ўзаро маслаҳатлашган ҳолда ташхис қўйиш имконини берадиган дастурий-аппарат комплексларидан фойдаланилмоқда. Аудио-видео технологиялар эса тиббиёт мутахассислари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, маълум бир вазият ёки муаммони биргаликда ҳал этиш, мутахассислар билимини бойитишга ёрдам бераётир.

Телетиббиёт атамаси тиббий адабиётга илк бор 1974 йили Р.Жи Марк томонидан киритилган бўлиб, айни пайтда замонавий телекоммуникация технологиялари орқали масофадан тиббий маслаҳат ёрдами кўрсатишни англатади. Телетиббиётнинг таърифлари кўп, аммо бирортаси унинг аҳамиятини тўлиқ очиб бера олмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа телетиббиёт маркази таърифига кўра, телетиббиёт бемор ёки у ҳақдаги маълумотнинг географик жойлашувидан қатъи назар, уни бевосита текшириш ва бу борадаги маълумотдан фойдаланиш имконини берадиган тизим ёрдамида беморларни текширувдан ўтказиш, кузатиш демакдир. Бошқача айтганда, телетиббиёт тиббиёт марказлари ва малакали мутахассислардан олисда жойлашган беморларга ёрдам кўрсатиш учун компьютер технологиялари асосида замонавий алоқа каналларидан фойдаланишни англатади.

Мамлакатимизда телетиббиёт технологияларини ривожлантириш ва маслаҳат-ташхис қўйиш хизмати кўрсатиш ишлари 2002 йилдан буён изчил амалга ошириб келинмоқда. Айнан шу йили Президентимиз томонидан барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга доир ҳужжатлар қабул қилинди. Айнан ўша вақтда марказимиз мутахассислари Германияда бўлиб, илк бор чет эллик ҳамкасбларнинг телетиббиёт соҳасидаги фаолияти билан танишди. Улар микроскоп ёрдамида текширувлар ўтказиб, тасвирни компьютер орқали кузатиш имконига эга бўлди. Ўзбекистон паталогик анатомия хизмати соғлиқни сақлаш тизимининг инсон касалликларига ҳаёт чоғида ва унинг вафотидан сўнг ташхис қўйиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган муҳим бўлимларидан бири бўлгани боис марказимизда электрон тиббиётни жорий қилиш ғояси пайдо бўлди. Бунинг учун зарур ҳуқуқий база ҳам мавжуд эди.

Масалан, Республика патологик анатомия маркази таркибида ихтисослаштирилган телетиббиёт тизимлари илмий-техник лабораторияси ташкил этилди. Бунда мамлакатимиз аҳолиси, хусусан, хотин-қизлар ва болаларга юқори малакали мутахассислар ва профессорларнинг телемаслаҳатлари доирасида зарур тиббий ёрдам кўрсатиш вазифасини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Телетиббиёт маслаҳатининг мақсади қайси ҳудудда жойлашганидан қатъи назар, аҳолининг турли гуруҳлари, жумладан, ҳомияга муҳтож қатламига ташхис қўйиш ёрдамини кўрсатишдан иборат. Айни пайтда телетиббиётнинг муҳим бўлими ҳисобланган телепатологиянинг асосий вазифаси фундаментал диагностика ахборотини, жумладан, макро, микроскопик ва цитологик тасвирларни макро ҳамда микроскопик телетиббиёт тизими орқали трансляция қилишдир. Бундан ташқари, рақамли рентген тасвирлари, ЭКГ ва лаборатория тадқиқотларини ҳам узатиш ва хотирада сақлаш имкониятига эгамиз.

Ўзбекистон патологик анатомия хизматига телепатологиянинг жорий этилиши масофадан туриб касалликка ташхис қўйиш, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ишлаётган мутахассисларнинг билим ва тажрибасини ошириш соҳасида янги босқични бошлаб берди.

– Марказ телетиббиёт технологияларидан фойдаланиш борасида қандай ютуқларга эришмоқда?

– Ахборот-коммуникация технологияларининг патологик анатомия хизматига жорий этилгани вилоят патологик анатомия бюроларида меҳнат қилаётган патолог-анатом шифокорларни малакали биопис диагностика ускуналари билан таъминлаш имконини берди. Бугунги кунда Нукус, Урганч, Термиз, Қарши, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Жиззах, Гулистон, Андижон, Наманган, Фарғонада шундай бюролар ишлаб турибди. Ғиждувон, Каттақўрғон, Денов, Чирчиқ ва Қўқонда туманлараро патологик анатомия бўлимлари жойлашган.

Макро ва микроскопик телетиббиёт тизими юқори сифатли микроскопик тасвирлар олиш ва уни компьютер мониторига узатиш, турли рақамли манбаларда сақлаш, уларга ишлов бериш ва олинган тасвирларни интернет тармоғи орқали телемаслаҳатлашиш учун узатиш имконини бермоқда.

Ушбу бюроларда макро ва микроскопик телетиббиёт тизими билан ишлаш тажрибаси узатиладиган патологик-анатомик маълумотларнинг сифати юқорилиги ва патологик жараён хусусияти ҳақида малакали хулосалар бериш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Патолог-анатом шифокорлар ҳам кўпайди. Ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган 135 га яқин шифокорнинг ярмидан ортиғи малакали биопсия ташхис қўйиш тажрибасига эга. Хорижий ҳамкасблар маслаҳати талаб этилган ҳолларда мураккаб ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни Швейцарияда жойлашган iPath платформасига юборамиз. Бу қисқа муддатда чет эллик энг яхши мутахассисларнинг хулосасини олиш, айни пайтда марказимиз ходимлари малакасини ошириш имконини бермоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, марказ патолог-анатом шифокорлари маҳаллий даражада ҳам телемаслаҳатлар ўтказмоқда. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари патологик анатомия бюролари, шунингдек, Республика онкология илмий маркази ҳамда Ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг патологик анатомия бўлимлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Марказимиз ходимлари БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқди. Самарали ҳамкорлик натижасида барча вилоятлардаги патологик анатомия бюролари, шунингдек, туманлараро патологик анатомия бўлимлари макро ва микроскопик телетиббиёт тизими билан таъминланди. Ушбу тизимнинг жорий этилиши туфайли катта иқтисодий самарага эришилди. Яъни, беморлар ва уларнинг яқинлари биопсияси бўйича бепул ҳамда малакали маслаҳат олиш имконияти пайдо бўлди.

Мамлакатимиз патолог-анатом шифокорлари марказимизнинг www.rpam.uz порталидаги вилоят патолог-анатом шифокоридан рўйхатдан ўтишни талаб қилувчи ҳимояланган саҳифа орқали "Мутахассислар учун кириш" бўлимида ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу сайт платформаси орқали шу пайтгача 3 мингдан зиёд биопсия амалга оширилди ва марказ мутахассислари улар бўйича ўз хулосаларини берди. Мазкур биопсияларнинг аксарияти марказимизга Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва бошқа вилоятлардаги патологик анатомия бюроларидан келиб тушган. Макро ва микроскопик телетиббиёт тизими жорий этилганидан буён патологик анатомия хизматида маслаҳатлар сони 2,5 баробардан зиёд кўпайди.

Мамлакатимизнинг телетиббиёт соҳасидаги ютуқлари 2010 йили халқаро мутахассислар иштирокида ўтказилган "Марказий Осиёда телепатологияни ривожлантириш" мавзусидаги конференцияда ёрқин намойиш этилди. 2012 йилда мамлакатимиз патолог-анатом шифокорларининг учинчи съезди ўтказилди. Унда патологик анатомия, макро ва микроскопик телетиббиёт тизимининг долзарб масалалари муҳокама этилди.

– Оналик ва болаликни муҳофаза қилишда телетиббиёт қандай роль ўйнайди?

– Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Республика патологик анатомия маркази ҳам ушбу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Негаки, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, хавфнинг сабаб ва омилларини ўз вақтида аниқлаш даволаш-профилактика муассасаларининг муҳим вазифасидир.

Марказда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани самарасида оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ ҳар бир ҳолат юзасидан маслаҳатлар берилмоқда. Макро ва микроскопик телетиббиёт тизими ёрдамида марказимиз мутахассислари ҳар бир ҳудудий патологик анатомия муассасасидан ўлим сабабини тўғри изоҳлаш учун ёриб кўриш протоколлари, бу борада фойдаланилган анатомик ва гистологик препаратлар ҳақида маълумотлар олмоқда. Илгари гистологик препаратлар курьер орқали етказиб берилган бўлса, энди интернет тармоғи орқали реал вақт режимида бир зумда етказилади.

Масалан, ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларидан баҳсли ҳолатлар бўйича тасвирлар келиб тушади. Ҳомиладорлик даврида касалликларнинг олдини олиш мақсадида бачадондан олинган плацент ёки соскоб тасвирини текширамиз ҳамда ўз хулосамизни берамиз. Бунинг самарасида клиника шифокорлари беморларда касаллик такрорланишининг олдини олиш имкониятига эга бўлмоқда. Бундан ташқари, телетиббиёт технологиялари хотин-қизлардаги бошқа гинекологик касалликларни текширишга ҳам кўмаклашмоқда.

